# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2018 йил 14 сентябрь, № 190 (7148) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ:

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 12 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Беларусь самимий дўст ва ишончли шерик эканини таъкидлади.

— 2016 йили Самарқанддаги учрашувимизда давлатлараро муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга келишиб олган эдик. Ўтган икки йилда ҳамкорлигимиз жадал суръатда ривожланди. 2017 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиздан зиёд ўсди. Жорий йил январь — июль ойларида эса бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 баробар ошди. Бу ҳамкорлигимизда катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Беларусь Президенти таклиф учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор, — деди Александр Лукашенко. — Ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда кенг миқёсли ўзгаришларни амалга оширмоқдасиз. Ўзаро манфаатли барча соҳада ҳамкорлик қилишга, тажриба алмашишга тайёрмиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва шериклик руҳида ривожланмоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Халқларимизнинг дўстлиги ва яқинлиги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мамлакатларимизнинг турли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликка доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришга келишиб олдилар.

Расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда ўтказилган музокарада Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва янада кенгайтириш, икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдиришини ҳисобга олган ҳолда, шерикликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Беларусь ўртасидаги алоқалар барча соҳада фаол тус олгани таъкидланди.

Жорий йил август ойида Тошкентда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлиси муваффақиятли ўтди.

Машинасозлик, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишбилармон доиралар ва етакчи корхоналар ўртасида алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Кейинги икки ойда мамлакатимизнинг барча ҳудуди вакиллари Беларусга ташриф буюриб, ўз ҳамкорлари билан яқин алоқалар ўрнатди.

Томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Президентлар амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини, бунинг учун интеллектуал, технологик ва бошқа ресурслар, шунингдек, энг муҳими, ўзаро интилиш мавжудлигини таъкидладилар.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия зиммасига ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва яқин йилларда уни бир миллиард долларга етказиш вазифаси топширилди.

Ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, чорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга келишиб олинди. Қўшма корхоналар ташкил этиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик масаласи кўриб чиқилди.

Томонлар маданий-гуманитар соҳадаги шериклик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф доирасида 19 ҳужжат, жумладан, ўзаро савдога кўмаклашиш тизими, саноат мулкини муҳофаза қилиш, божхона ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида, фан ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, тиббиёт, олий таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзоланди.

Улар орасида 2019 — 2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома ва уни амалга ошириш дастури алоҳида аҳамиятга эга.

Ташриф доирасида ўтган ишбилармонлар ва ҳудудлараро ҳамкорлик форумида умумий қиймати 230 миллион доллардан ортиқ бўлган шартнома ва битимлар имзолангани таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, унинг натижалари янада мустаҳкам ва кенг кўламли бўлишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Президентининг сўнгги 24 йилда мамлакатимизга илк расмий ташрифи том маънода тарихий бўлгани, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлаб, уни сифат жиҳатидан янги, янада юксак босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

Беларусь Президенти ушбу ташриф мамлакатларимизнинг ҳамкорликка интилиши муштараклигидан, ҳар икки томон узоқ истиқболга мўлжалланган ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканидан далолат беришини қайд этди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко "Ўзэкспомарказ"да очилган "Беларусда ишлаб чиқарилган" кўргазмасига ташриф буюрдилар.

Кўргазмада Беларуснинг 150 дан ортиқ корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан қатнашмоқда. Улар ўз мамлакатининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, металлургия, кимё саноати, маиший техника, озиқ-овқат, тўқимачилик, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳалардаги ютуқларини намойиш этмоқда.

Александр Лукашенко Президентимизга Беларусь иқтисодиёти, унинг асосий тармоқлари салоҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Шавкат Мирзиёев Беларусь корхоналари вакиллари билан суҳбатлашди. Мутасаддиларга саноат корхоналари ва ҳудудлар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Давлат раҳбарлари юқори технологиялар соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, жумладан, икки мамлакатнинг инновацион марказлари ва технопарклари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда биргаликда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳудудида ташкил этилган "Амкодор-Агротехмаш" қўшма корхонасининг очилишида иштирок этди.

Умумий қиймати 33 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа 2018 — 2021 йилларда амалга оширилади. Бугун расман ишга туширилган биринчи босқичда қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 12 турдаги экскаваторлар ишлаб чиқарилади. Маҳаллийлаштириш даражаси 2019 йилда 22 фоизга, 2021 йилда камида 50 фоизга етказилади.

Давлатимиз раҳбари маҳсулот турини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви қишлоқ хўжалиги техникаларини минтақамиз мамлакатларига етказиб бериш учун қулай эканини қайд этди.

Шу ерда қўшма корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки экскаваторлар намойиш этилди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# Марказий Осиё ва Ҳиндистон муносабатларида янги истиқболлар

Форум

*Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази томонидан Халқаро масалалар бўйича Ҳиндистон кенгаши билан ҳамкорликда "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқотининг навбатдаги мажлиси бошланди.*

Унда мамлакатимиз ва Ҳиндистон сиёсий ҳамда эксперт доираларининг нуфузли вакиллари, Марказий Осиё давлатларидаги етакчи тадқиқот институтлари мутахассислари қатнашмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, Ҳиндистон Ўзбекистоннинг муҳим ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкоридир. Ўзаро муносабатларимиз икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг кўп асрлик тарихига таянгани, сиёсий-дипломатик мулоқотнинг юксак даражаси билан ажралиб туради.

Бугунги кунда Ҳиндистон дунёдаги иқтисодиёти жадал суръатда ривожланаётган давлатлардан бири саналади. Мамлакатда бақувват саноат базаси ва йирик илмий-техникавий салоҳият шаклланган. Айниқса, ахборот технологиялари, тиббиёт ва фармацевтика, енгил саноат тармоқларида ҳинд ўлкаси етакчи ўринларга кўтарилди. Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий, молия-инвестициявий ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик учун улкан имконият эшикларини очмоқда.

Ҳозир Марказий ва Жанубий Осиёни бир-бири билан боғлай оладиган йирик трансҳудудий лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиляпти.

Яқин келажакда Сурхон — Пули-Хумри электр линияси, "ТАПИ" магистраль қувури, Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли каби истиқболли коммуникация тармоқлари ишга туширилиши кутилмоқда. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш Афғонистонда ҳаётни изга тушириш, унинг минтақавий савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация алоқаларига жалб этилишига хизмат қилади.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

# Хотин-қизлар бизнесида инновацион ёндашув

Тақдимот

*Аёлларнинг бизнесга ёндашуви ҳам ўзгача, яъни юқори дид, нафосат ва самимият билан уйғунлашади. Улар бир ишни бошладими, охиригача олиб боради. Айниқса, бир даврага йиғилиб, ўзаро самарали бизнесни йўлга қўйиш ҳақида гап кетса, демак, янгидан-янги ғоя ва ташаббуслар, замонавий стартаплар янада кўпайди, деяверинг.*

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида иш бошлаган Ўзбекистон ва Қозоғистон тадбиркор аёлларининг бизнес форуми ҳамда кооперация биржаси хусусида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Мамлакатимиз бизнес доиралари тарихида илк бор ташкил этилаётган бундай учрашув самарали таклифлар ва инновацион ёндашувларга бой бўлди. Ҳар иккала томон ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиш билдираётгани ва бу эса ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Давлат котиби, Президент ҳузуридаги Аёллар ва оила-демографик сиёсат миллий комиссияси раиси Г. Абдукаликова бошчилигидаги делегация иштирок этди. Бизнес форумидан кўзланган мақсад қардош халқлар аёлларига бир-бири билан яқиндан танишиш, тадбиркорлик соҳасидаги инновацион янгиликлар билан ўртоқлашишга имкон яратишдан иборат.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева 2018 йил Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" деб номланганини ва йил бошидан буён давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини, бу хотин-қизларни ҳам ушбу жараёнда янада фаол бўлиш, самарали бизнесни йўлга қўйишга ундашини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг айтишича, бугун юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 230 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Худди шундай Қозоғистонда ҳамкорликдаги 150 га яқин ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этилган.

➡ 2

# Ҳуқуқий таълим-тарбия: АҲВОЛ ҚОНИҚАРЛИМИ?

*Бугун мактабларда ўқувчиларга Конституция асослари, ҳуқуқ каби фанлар қандай ўқитилмоқда? Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар етарлими? Мазкур йўналишда қандай муаммо ва камчиликлар бор? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг шу ва бошқа саволларига халқ таълими вазири Шерзод Шерматов парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилишида жавоб берди.*

Вазир ўз ахборотида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда республикамиздаги 10 мингга яқин умумий таълим мактабларида ҳуқуқий таълим-тарбия бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Бу жуда жиддий масала. Чунки ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билмаслик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида кўпайишига сабаб бўлади.

Айтиб ўтилганидек, "Конституция алифбоси" фани 1 — 4-синфларда алоҳида предмет сифатида эмас, балки "Ўқиш", "Атрофимиздаги олам", "Табиатшунослик", "Одобнома" фанлари ва тарбиявий соат таркибида ўқитилмоқда. "Конституция оламига саёҳат" фанидан эса, 5-6-синфларда "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари"га ажратилган соатлар доирасида дарс берилмоқда. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" ўқув предмети бўйича — 9-синфда, шунингдек, "Давлат ва ҳуқуқ асослари" ўқув предмети бўйича 8, 10 ва 11-синфларда ҳафтасига атиги бир соатдан ўқитилади, холос.

Мактаб ўқувчиларининг ўз ҳуқуқларини мукаммал билиши, тушуниши, англаб етиши учун бу етарлими?

Ш. Шерматов қайд этганидек, бугун вазирлик дарс соатлари сонига эмас, балки унинг сифатига, ўқув дарсликларини такомиллаштириш, таълимга инновацион методларни жорий қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу ҳар бир ўқувчининг фанни енгил ўзлаштиришига ёрдам беради.

Депутатлар шу ўринда юқорида қайд этилган фанлар ва курслар бўйича мактаб дарсликлари 10 — 15 йил олдин ёзилганини таъкидлашди. Бу нимадан далолат беради? Яъни эски фактлар, рақамлардан иборат, мамлакатимиз қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришларга бағишланган мавзулар ўрин олмаган фанларни ўқитиш қанчалик тўғри?

Шунингдек, ҳуқуққа доир фанларни ўқитишда кадрлар салоҳияти ҳам етарли даражада эмас. Республикадаги мавжуд умумтаълим мактабларида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанидан дарс бераётган жами 9 минг 255 нафар ўқитувчининг бор-йўғи 88 нафари (0,95 фоиз) "Юриспруденция" мутахассислигига, 3 минг 931 нафари (42,5 фоизи) "Миллий ғоя ва ҳуқуқ" мутахассислигига эга. Қолганлари эса она тили ва адабиёти, тарих ва архивариус, сиёсатшунослик бўйича мутахассислардир.

Долзарб масалалар муҳокамасида Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Бош прокуратура, Давлат бошқаруви академияси вакиллари ҳам қатнашди.

Адлия вазирининг ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Каньязовнинг қайд этишича, университет ҳуқуқ фани ўқитувчилари малакасини ошириш, дарсликларни тайёрлаш бўйича коллежлар ва лицейлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Олий ўқув юрти олимлари Конституция асослари ва ҳуқуқ бўйича мактаб дарсликларини инвентаризациядан ўтказишда иштирок этдилар. Бундан ташқари, айни пайтда мактабгача таълим муассасалари дастурида болаларга ҳуқуқий таълим-тарбия бериш курсларини киритиш таклиф этилмоқда.

Қизғин мунозараларда ҳуқуққа доир фанлардан сифатли таълим бериш даражасини ҳар томонлама ошириш мақсадида Тошкент давлат юридик университетини бевосита таянч олий таълим муассасаси сифатида белгилаш, университет таркибида ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқий таълим бўйича педагог кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Ўз навбатида, депутатлар кадрлар етишмаслигининг олдини олишда мазкур университетда Ҳуқуқий педагогика факультети фаолиятини тиклаш, ҳудудларда олий ўқув юртининг филиалларини очиш таклифини илгари сурди.

Касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Фарҳод Ризаев таъкидлаганидек, бугун мамлакатимиздаги 1 320 та касб-ҳунар коллежида 605 минг ўқувчи 2 ва 3-босқичларда таҳсил олмоқда. Улар 500 га яқин касб-ҳунарларни эгаллайди. Гап шундаки, ўқувчиларга ҳуқуқ фанидан бир хил форматда дарс ўтилади. Бу қанчалик тўғри? Ахир уларнинг орасида бўлажак тадбиркорлар, фермерлар, сартарошлар бор. Шу боис йиғилиш давомида ўрта махсус таълим дастурига тадбиркорлик ҳуқуқи, тиббий ҳуқуқ ва бошқа йўналишлар бўйича мавзулар киритиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков вазирлик тизимида 312 та болалар мусиқа ва санъат мактаби мавжудлигини, уларда 82 мингдан зиёд ёш иқтидорлар таълим олишини қайд этди. Яқинда мазкур ўқув муассасаларида олиб борилган ўрганишларда ўқувчилар ҳуқуқ фанини унчалик қизиқ бўлмаган, зерикарли фан сифатида кўрсатган. Унинг фикрича, ушбу фандан таълим бериш методикасини ўзгартириш, кўпроқ амалий машғулотлар ўтказиш, ахборот технологияларини кенг қўллаш зарур.

Муҳокамаларда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим-тарбия бериш, умуман, ҳуқуқий таълим соҳасида давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги аҳволни тубдан яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*"Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Уй-жой ва Солиқ кодексларига, шунингдек, "Адвокатура тўғрисида" ҳамда "Нотариат тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.*

# Адвокатлар ваколатлари янада кенгаяди

Яъни "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга жорий этилаётган янгиликларга кўра, адвокатларнинг юридик хизмат ходими сифатида иштирок этишга доир ҳуқуқлари ва ваколатлари янада кенгайтириляпти. Эндиликда улар ҳакамлик судлари ҳамда халқаро тижорат арбитражларида судья сифатида, патент вакили ва медиатор сифатида, шунингдек, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ходими сифатида иштироки ҳуқуқий жиҳатдан кучайтирилди.

Шу билан бирга, адвокат мақомини олиш учун малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун эса адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировкадан ўтиш муддати олти ойдан уч ойгача камайтирилмоқда.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг мазкур ҳужжат муҳокамасига бағишланган йиғилишида айтиб ўтилди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар қатнашган тадбирда қонунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига ҳам ўзгартишлар киритилаётгани таъкидланди.

Масалан, ижарага ёки текин фойдаланишга бериш шартномаларини фуқаролар томонидан мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилиниши муносабати билан ички ишлар органлари учун бир қатор афзалликлар жорий этилди. Эндиликда улар зиммасидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда шартномаларни мажбурий нотариал тасдиқлашга риоя этилмаётгани тўғрисида хабар бериш мажбурияти бекор қилиняпти.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатлар мустақиллигини кенгайтириш муносабати билан тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. Шунга кўра, адвокатнинг ҳуқуқбузар шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланаётир.

Мутахассислар қонун билан юртимизда ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада кучайтирилишини эътироф этди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# Марказий Осиё ва Ҳиндистон муносабатларида янги истиқболлар

1 ➡

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга кутилаётган ташрифи муносабати билан мазкур анжуманни ўтказиш учун айнан Ўзбекистонни танладик, — дейди Халқаро масалалар бўйича Ҳиндистон кенгаши бош директори Тирумаллай Рагхаван. — Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи тадқиқот марказлари вакилларининг мулоқотлари чоғида давлатлараро алоқаларга янги суръат бахш этишга қаратилган ғоялар ҳамда конструктив таклифлар илгари сурилди. Самарқанддаги тадбир давомида логистика алоқаларини ривожлантириш, ахборот технологияларини давлат бошқарувига фаол жорий қилиш мақсадида IT ва рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари диққат марказимизда бўлди.

Йиғилиш доирасида Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази билан Халқаро масалалар бўйича Ҳиндистон кенгаши ўртасида Меморандум имзоланиши режалаштирилган. Форум бугун ўз ишини давом эттиради.

**Ринат АБДУЛМАНОВ.**

# Икки томонлама учрашувлар

## стратегик шериклик алоқаларида муҳим аҳамиятга эга

*Жорий йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Японияга ташрифи доирасида ушбу мамлакат парламентида иккита муҳим тадбир — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония парламенти" парламентлараро форумининг 3-мажлиси ҳамда "Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича демократик ислоҳотлар ва янгиланишларнинг янги йўли. Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик истиқболлари" мавзуида ўзбек — япон симпозиуми бўлиб ўтди.*

### ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мазкур тадбирларда Япониянинг расмий, ишбилармон ҳамда тадқиқот доиралари, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситаларининг юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Парламентлараро форумда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан батафсил фикр алмашилди. Алоқаларни янада кенгайтириш, Япония парламентининг Дўстлик лигаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Япония билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, 2019 йилда Ўзбекистонда Парламентлараро форумнинг навбатдаги мажлисини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш тўғрисида келишувга эришилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги йўналишига юксак баҳо берди. Кўрилаётган чора-тадбирларнинг қамрови кенглиги, пухта ўйланганлиги ва амалий аҳамиятга эгалиги қайд этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг энг илдам ривожланаётган давлатлардан бири бўлишини таъминламоқда.

* * *

Мамлакатимиз делегацияси, шунингдек, 13 сентябрь куни Япония ташқи ишлар вазири М. Сато, адлия вазири Й. Камикава, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Н. Сузуки, "Митсубиши" компаниясининг катта маслаҳатчиси М. Сасаки билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Делегация иштирокида Жаҳон банки офисида ўтган Ўзбекистонга бағишланган Инвестиция форуми Кунчиқар юрт ишбилармон доираларининг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Япониялик ишбилармонлар Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилаш, савдо режимини соддалаштириш, шунингдек, туризмни ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасида юз берган ўзгаришларни маъқуллади. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари ўз чиқишларида иқтисодиёт, банк-молия тизимини эркинлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрилган чора-тадбирларни юксак баҳолади.

Япония расмий ва ишбилармон доиралари Ўзбекистондаги ислоҳотларга кўмаклашишга ҳамда юртимиз бозорида юқори технологик ва ўзаро фойдали лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини яратишга тайёр эканини билдирди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги стратегик шериклик муносабатларига асосланган узвий ва илдам алоқаларнинг янги босқичига ўтиш даврида турибди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

# ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ИЗЧИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

*Президентимиз томонидан жорий йил 11 сентябрда имзоланган "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор мамлакат минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тадбиркорлик субъектларини кенгроқ жалб этиш, уларнинг ташаббуслари, лойиҳалари ўз вақтида рўёбга чиқарилишини таъминлаш, шунингдек, бўш турган объектлар, ер участкалари ҳамда бошқа инфратузилмалардан самарали фойдаланиш каби мақсадларга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.*

Очиғи, ҳар қандай ташаббус, янгиликнинг ҳаётга сингиб кетиши аввалига анча қийин кечади. Буни юртимизга хориж сармояларини жалб этиш жараёнлари ҳар доим ҳам силлиқ кечмаётгани мисолида кўриш мумкин. Қарор муқаддимасида айтилган ушбу сўзларга эътибор беринг: "бу бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммолар ва камчиликларга дуч келмоқда".

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат? Жавоб топиш учун унчалик қийналмайсиз. Улар — сансалорлик, бюрократия, ўша эски ҳунар, яъни манфаат илинжида яратиладиган сунъий тўсиқлар... Бу галги ҳужжатнинг, оз эмас-кўп эмас, 14 иловаси бўлиб, уларда янги тузиладиган, республика даражасидаги комиссиядан тортиб, ҳар бир ҳудудда ташкил этиладиган ишчи гуруҳлари аъзоларигача номманом белгилаб берилган.

Даставвал тадбиркору инвестор дуч келадиган асосий муаммою тўсиқлар нималардан иборат, деган саволга қисқача тўхталиб ўтсак, қарордан кўзланган мақсад ва муддаони янада теранроқ англаймиз. Дарвоқе, муаммолар қарорда ҳам аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Яъни улар:

— зарур ишлаб чиқариш объектларини бериш;

— ер участкалари тақдим этиш;

— кредит маблағларини ажратиш.

Ана шу муаммоларни ўрганиб чиқиш, бартараф этиш мақсадида республика даражасида — ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси, бевосита жойларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар ташкил этилади. Айтиш жоизки, Комиссия ишчи органи сифатида Бош прокуратуранинг Тадбиркорлар ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини яратиш бошқармаси белгиланди.

— Мазкур ҳужжат билан минтақавий гуруҳларга, молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда, тегишли ҳудудда амалга ошириш учун тавсия этиладиган истиқболли лойиҳалар устида ишлаш, улар юзасидан зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун шартнома асосида лойиҳа ташкилотларини жалб этиш бўйича давлат органи ва ташкилотларига мажбуриятларни юклаш ваколати берилди, — дейди Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Дилшод Жўраев. — Масалан, Тошкент вилояти Чорвоқ зонасида туристик объект ва кичик меҳмонхоналар, Фарғона водийсида эса ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, олис чўл манзилларидаги трассаларда мотеллар ёки кемпинглар қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Жойлардаги ишчи гуруҳлар уларнинг айнан ўша ҳудудларга мослигини ўрганиб, шу бўйича лойиҳачиларни жалб қилади, маблағ манбасини аниқлайди, сўнг тадбиркор ва инвесторга камчиқим лойиҳаларни таклиф этади.

Ҳудудий гуруҳларга бўш турган давлат мулки объектлари ҳамда ер участкаларини электрон аукцион савдоларига қўйишни таъминлаш, хорижий сармоядорларни, чет элга чиқадими ёки халқаро анжуманларга юртимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини жалб қиладими, излаб топиш каби ваколатлар ҳам берилган.

Қарор билан Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси ташкил қилинмоқда. Унинг асосий вазифалари сифатида лойиҳа, инжиниринг ва маслаҳат хизматларини ривожлантириш, аъзоларини истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича фаолиятга жалб қилиш, аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, халқаро молия институтлари ҳисобидан молиялаштириладиган муҳандис-консультантлар, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ишчилари малакасини ошириш ва бошқалар белгилаб қўйилди.




Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётимизга тобора фаол кириб бораётган давлат хизматлари марказлари фаолиятидан унумли фойдаланиш ҳам назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад-муддао кундек равшан.

Ҳар бир идора ёки ишчи орган фаолияти, таъбир жоиз бўлса, нимани қойиллатганига қараб баҳоланади. Қарорда талай ваколат берилаётган ҳудудий гуруҳлар фаолияти самарадорлигини баҳолашда ҳам асосий мезонлар аниқ кўрсатилган. Тегишли ҳудудда минг киши ҳисобида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, ёшлар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун доимий иш жойлари яратиш, амалга оширилган тадбиркорлар ташаббус ва лойиҳалари ҳамда инвестицияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятига бўш объектлар ва ер участкаларини жалб қилиш ана шулар жумласидандир.







Яна бир жиҳат. Ишлар яхши кетса, Республика комиссияси қарорига асосан, Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига ҳар чоракда энг кам иш ҳақининг 30, улар раҳбарларига энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда бир марталик мукофот тўланади. Аксинча бўлган ҳолларда Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига 30 дан 50 фоизгача бўлган миқдорда лавозим маошидан ушлаб қолиш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш кўринишидаги чоралар қўлланилади.

Дарҳақиқат, шундай бўлмоғи табиий. Ахир ташкил этилаётган комиссия ва ишчи гуруҳларга жуда катта ваколатлар берилиб, уларнинг сўровлари, кўрсатмалари давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларию мансабдор шахслари томонидан сўзсиз бажарилиши мажбурий қилиб қўйилган экан, рағбат ва жарима шунга яраша бўлади-да. Боз устига, Комиссия таркибида Президент Администрацияси, Бош прокуратура, Марказий банк, 5 вазирлик, 8 давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа идоралар вакиллари киритилганки, шунинг ўзиёқ масъулият нақадар юксак бўлишидан дарак бериб турибди.

Умуман, қарор орқали тадбиркор ва инвесторга янада қулай шароит яратиш, ҳатто, имконияти чоғроқ сармоядорга ҳам қулайликлар бериш кўзда тутилган бўлиб, бу юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда айни муддаодир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида**
**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

# Хотин-қизлар бизнесида инновацион ёндашув



1 ➡

Улар орасида айнан хотин-қизлар бошчилик қилаётган корхоналар борлиги қувонарлидир. Аммо бу ҳали имкониятимиз ва салоҳиятимиз даражасидаги қониқарли кўрсаткич эмас. Шубҳасиз, мазкур бизнес форуми ҳар йили анъанавий тус олади. Қозоғистонлик ҳамда ўзбекистонлик хотин-қизларнинг ўзаро фойдали ва амалий шартномалар имзолаши, тажриба алмашиши учун муносиб майдонга айланади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қозоғистон Президенти ҳузуридаги аёллар ва оилавий-демографик сиёсат ишлари бўйича миллий комиссия ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

— Биз чегарадан ўтишимиз билан ўзбек опа-сингилларимизнинг меҳмондўстлиги ва самимиятини чин дилдан ҳис қилдик, — дейди Қозоғистон Республикаси Давлат котиби, Президент ҳузуридаги Аёллар ва оила-демографик сиёсат миллий комиссияси раиси Г. Абдукаликова. — Давлатларимиз раҳбарлари ўзаро савдо айланмасини 2020 йилга қадар 5 миллиард долларгача етказишни мақсад қилишган. Биз, хотин-қизлар бу ташаббусга лаббай, деб жавоб берамиз. Айни пайтда ташкил этилаётган ҳар бир тадбир, ҳар бир учрашув халқларимиз ўртасидаги нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий-маърифий алоқаларни, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ишонамиз.

Бизнес форуми доирасида Қозоғистон делегацияси пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиши ва Самарқандга ташриф буюриши назарда тутилган.

**М. КАРИМОВА.**

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

## II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

*Жамиятимизда "Қонун ва адолат — устувор", "Жиноятга жазо муқаррар" деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.*

*Ана шундай ўзгаришлар туфайли биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛИ БОШҚАРУВГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

*Давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари мавжудлиги, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифалар такрорланиши, давлат органлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси йўқлиги... Булар ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги натижасида маҳаллий ҳокимиятлар ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилиш, вазиятни яхши тарафга ўзгартириш учун амалда реал ваколат ва ресурсларга эга бўлмаслигига олиб келаётган камчиликлар эди.*

### ФАРМОН ВА ИЖРО



Айрим давлат органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари аҳоли эҳтиёжлари етарли даражада ўрганилмасдан, ҳисобга олинмасдан қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлаётган эди. Кадрлар билан ишлашда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди, етарли даражада жавобгарлик ва ташаббускорлик етишмас эди. Инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш даражаси ҳам пастлигича қолаётган эди. Давлат-хусусий шериклик механизми тараққий этмаган эди.

2017 йилнинг 8 сентябрида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди. Концепция мамлакатда принципиал жиҳатдан янги давлат бошқаруви моделини яратишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Маъмурий ислоҳотлар, авваламбор, ресурсларни бошқаришнинг янада самарали тизимини йўлга қўйиш ҳамда давлат органларининг имиджини ошириш мақсадини кўзлаган бўлса, иккинчи томондан, тадбиркорлик соҳасида маъмурий чекловларни қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши курашишни кучайтириш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришни кўзлайди. Сифатли менежмент бугунги кун талабига айланмоқда. "Қўл бошқаруви" тизимидан воз кечилиши, пировардида мамлакатга, айниқса, маҳаллий бизнес, саноатни ривожлантириш учун чет эл инвестициясини жалб қилишга замин яратади. Ижро ҳокимиятини модернизация қилишнинг асосий мақсади давлат бошқарувини инсон эҳтиёжларига, унинг манфаатларини таъминлашга йўналтиришдир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак".

### Ўтган даврда қандай ишлар бажарилди?

Аксарият хорижий мамлакатларда маъмурий ислоҳотлар узоқ муддат давомида амалга оширилган. Ўзбекистонда ушбу ислоҳотлар аввалбошданоқ қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган. "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши муддати 2017-2018 йилларни қамраб олади. Ҳозирги кунга келиб, унда режалаштирилган тадбирларнинг ярмидан кўпи тўлиқ бажарилди.

Биргина ўтган йили давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш соҳасида учта қонун — "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Жамоатчилик назорати тўғрисида", "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар, Президентнинг 34 Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 43 та қарори қабул қилинди.

Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тузилма жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Айни вақтда давлат хизматлари марказлари фаолият олиб бормоқда.

Агар 2016 йилнинг 1 сентябрида 47 та давлат бошқаруви органи фаолият юритган бўлса, бугун улар сони 62 тага етди. 40 га яқин давлат идоралари фаолияти қайта кўриб чиқилди. Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, ушбу идораларнинг фаолияти тўғрисида янги низомлар тасдиқланди. Бу ўзгаришлар давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги, очиқлигини оширишга, фуқаролар билан самарали мулоқот ўрнатишга қаратилган. Давлат хизматчиларининг якуний натижа учун масъулияти ва жавобгарлиги юксалди.

Бундай кенг миқёсда давлат органларини ислоҳ қилиш, очиғи, дунё амалиётида камдан-кам кузатилган. Франция ҳукуматида 16, Норвегияда 15, Германияда 14, Нидерландияда 12, Швейцарияда 7 та вазирлик мавжуд. Аммо ушбу мамлакатларда жуда кўплаб давлат тузилмалари вертикал бошқарувга интеграциялашган, яъни муайян вазирлик таркибида фаолият юритади. Масалан, Буюк Британия ҳукуматида 25 та вазирлик бўлиб, улар таркибига 392 та турли агентлик ва бошқа давлат идоралари киради.

Мактабгача таълим вазирлиги тузилгунча болалар боғчалари халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик, шунингдек, ҳокимликлар ва бошқа давлат бошқаруви органлари қарамоғида бўлган. Фарзандларимизни мактабгача таълимга қамраб олиш атиги 25 фоизни ташкил қилар эди. Тарбиячиларнинг касбий тайёргарлиги ҳам ота-оналарда ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганди. Боғчаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам етарлича эътибор қаратилмас эди. Вазирликнинг ташкил этилиши билан вазият тубдан ўзгарди. Нодавлат сектор ҳам ушбу соҳада фаоллашиб, рақобатга киришмоқда.

Ўтган ўн йиллар давомида уй-жой коммунал соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолди. Мамлакатда тураржойларни таъмирлашни назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ҳар ким ўз билганича иш тутар, хавфсизлик, зилзилабардошликка мувофиқлиги етарли даражада баҳоланмас эди. Бу масалага ўз вақтида муносабат билдирилмаса, эртами-кечми, албатта, фожиали ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам тегишли вазирликни ташкил этишга қарор қилинди, унинг ҳузурида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Ҳокимликларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайди ва ҳудудларнинг молиявий мустақиллиги мустаҳкамланди. Ҳокимлар эндиликда маҳаллий бюджетни мустақил тасарруф этишмоқда, чет эллик инвесторлар билан 10 миллион долларгача бўлган миқдорда шартномалар тузишмоқда. Бу эса ҳокимларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги масъулияти ошишига таъсир кўрсатяпти. Ҳокимларимиз бугунги кунда ўзларини "ҳудудлар менежери" сифатида намоён этиш имкониятига эга.

> Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ислоҳотларни самарали амалга ошириш, одамларнинг янгиланишларга дахлдорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли адлия органлари фаолиятига ҳуқуқий маърифатнинг замонавий ва таъсирчан усуллари жорий этилди.

Имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат ва идоралар томонидан қарорлар қабул қилинишига тақиқ қўйилди. Уч йилдан кўп бўлмаган муддатга чекловлар белгиланди. Мамлакат миқёсида давлат органларини улар назоратидаги корхоналар ҳисобидан молиялаштириш амалиётига барҳам берилди. Мисол учун, "Ўздавнефтгазинспекция", "Ўздавэнергоназорат" тегишинча "Ўзбекнефтгаз" ва "Ўзбекэнерго" АЖлар фаолиятини назорат қилади. Мазкур давлат идоралари фаолияти эса ушбу акциядорлик жамиятлари томонидан молиялаштирилар эди. Бу эса, табиийки, таъсирчан назорат ўрнатиш имконини бермасди. "Ўздавнефтгазинспекция", "Ўздавэнергоназорат" фаолиятини Давлат бюджетидан молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Бу эса мазкур давлат идораларининг молиявий мустақиллигини кучайтириб, уларга самарали назоратни амалга ошириш имконини берди.

Бундан ташқари, идоралараро коллегиал органларнинг фаолияти ҳам бутунлай қайта кўриб чиқилди. Жумладан, давлат раҳбари қарори билан 81 идоралараро коллегиал орган тугатилди, 25 таси оптималлаштирилди.

### Адлия вазирлигининг бу борадаги роли қандай?

Адлия органлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Президентимиз ҳамда ҳукуматнинг нотариат, ФҲДЁ идоралари, адвокатура, давлат хизматлари ва юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича 25 та Фармон ҳамда қарори қабул қилинди. Туман ва шаҳарларда адлия бўлимлари ташкил этилди. Бу эса мамлакатнинг олис манзиллари билан мулоқотни мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг, одамларни ўйлантираётган муаммо ва масалаларнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда, қарорлар қабул қилиш имконини беряпти.

Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ҳамда киритилиши устидан мониторингни амалга оширмоқда ҳамда унинг натижаларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссияга тақдим этиб келяпти.

Ўтган қисқа давр ичида вазирлик томонидан давлат органлари фаолияти мисолида қатор соҳалар, жумладан, интеллектуал мулк, йўл хўжалиги, бозор, жумладан, фонд бозори, киноиндустрия чуқур ўрганиб чиқилди. Тошкент шаҳри ва унинг туманлари фаолияти таҳлил қилинди. Вазирликнинг киноиндустрияни ва пойтахт ҳокимлигини ислоҳ қилиш бўйича таклифлари Президентимизнинг тегишли ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Тошкентда ҳуқуқий эксперимент сифатида бошқарувнинг алоҳида тартиби жорий этилди. Шаҳар ҳокимига ҳудудий давлат органлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш бўйича янада кўпроқ ваколатлар берилди. 30 та коллегиал ва маслаҳат органи тугатилди. Бундан ташқари, замонавий Ўзбекистон тарихида биринчи марта эксперимент тариқасида пойтахтимиздаги бозорлардан бири ижроия органи функцияси тадбиркорнинг ишончли бошқарувига берилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ислоҳотларни самарали амалга ошириш, одамларнинг янгиланишларга дахлдорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли адлия органлари фаолиятига ҳуқуқий маърифатнинг замонавий ва таъсирчан усуллари жорий этилди. Бу борадаги ишлар манзилли, аҳолининг турли тоифалари манфаатларини инобатга олган ҳолда бажариляпти. Масалан, интернетдаги, оммабоп ижтимоий тармоқлардаги фото, видео ва матнли материаллар кўпроқ ёшларга қаратилган. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибида янги бошқармалар ташкил этилди.

Илмий салоҳиятни ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти очилди. У қонунчилик соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар билан шуғулланади. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини оширишда юқори малакали халқаро юристларни тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади. Тошкент давлат юридик университетида Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази тузилди. Биз таълим жараёнига етакчи хорижий экспертларни жалб қиляпмиз. Мамлакатимиз ҳудудларида юридик коллежлар очилди.

### Қачон натижа беради?

Маъмурий ислоҳотлар — узлуксиз жараён. Ўтаётган ҳар кунимиз давлат аппарати зиммасига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бунга эса тезкорлик билан жавоб қайтармоқ лозим. Аммо янгиланишлар, жумладан, маъмурий ислоҳотлар натижалари ҳар биримизнинг фаол гражданлик позициямиз, ўзгаришларга қўшаётган ҳиссамизга узвий боғлиқдир.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган. Жараён ҳали тугамаган бўлса-да, кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Бугун барча давлат қарорлари, энг аввало, аҳоли манфаатлари йўлида қабул қилинишига эришилди.

**Маҳмуд ИСТАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари.**

### ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТИ

# БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

## муаммоларга ечим топишда муҳим ўрин тутади

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари мамлакатимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида барча имкониятни ишга солмоқда. Натижада охирги икки йил ичида умумий жиноятчилик сезиларли даражада камайди. Жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13599 та жиноят кам содир қилинди ёки бу 38,67 фоизни ташкил этди. Аммо қотиллик, баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа жиноятлар камайгани ҳолда, уларнинг айримлари кўпроқ оилавий муносабатлар боис содир этилаётгани, яъни ота-бола, қайнона-келин, ака-укалар бири-бирининг қотилига айланиб қолаётгани аянчлидир. Бу Ватани ва фарзандлари келажагига бефарқ бўлмаган ҳар қандай кишини ташвишга солади.*

Хўш, бунинг сабаблари нимада, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қандай чоралар кўрилмоқда? Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи Қутбидин БУРҲОНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— БМТ маълумотига кўра, 2030 йилга бориб, дунёдаги миллионер шаҳарлар сони қарийб 700 тага етиши, Ер юзида қашшоқлик ҳамда жиноятчилик ўсиши кутилмоқда. Шунинг ўзиёқ ҳар бир онгли одамни ҳушёрликка ундаши, шубҳасиз, — дейди Қ. Бурҳонов. — Шу маънода, жорий йил 27 июль куни Президентимиз раислигида ўтказилган жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идоралари масъулиятини янада ошириш, тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида айтилган танқидий фикрлар биз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб жаранглади, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, умуман, бутун халқимизни мудроқликдан уйғотди.



**— Нима, унгача жиноятчилик билан боғлиқ мавжуд вазиятни ҳеч ким билмаганми ёки била туриб, ўз ҳолига ташлаб қўйилганмиди?**

— Президентимиз томонидан ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар тизимида ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Олдин асосий мақсад, содир этилган жиноятни очиб, жазо муқаррарлигини таъминлашдан иборат бўлган бўлса, эндиликда халқ манфаатига хизмат қилиш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга катта эътибор берилаётир. Шу мақсадда соҳага оид 80 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди. Шулар асосида тизим фаолиятини янада кучайтириш, таркибий тузилмаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, хизматни тўғри ташкил этиш чоралари кўриляпти. Бошқача айтганда, умрини ўтаб бўлган тузилма ва механизмлардан воз кечилиб, ўрнига янгилари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман даражасида фаолият олиб борган бўлса, ҳозир 35 фоизи идораларда, қолгани аҳолига яқин бўлиши учун ички ишлар органлари қуйи тизимларида ишламоқдалар. Муҳими, бу ўзгаришлар ўз самарасини бера бошлади.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаси билан ички ишлар вазири П. Бобожонов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ички ишлар органлари фаолиятининг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга нечоғлик мувофиқлигига баҳо бериш мақсадида ўрганиш ўтказилди. Бу жараёнда мазкур ҳудудлардаги шаҳар-туманлар ҳамда соҳавий хизматлар ходимлари билан суҳбатлар ўтказилиб, улар фаолияти атрофлича кўриб чиқилди.



Фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйган вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда хизмат раҳбарлари ҳисоботлари эшитилиб, ишни бугунги талаб даражасида ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Айни чоғда камчиликка йўл қўйган ички ишлар органларининг баъзи раҳбар ходимлари лавозимидан озод этилди, айримларига интизомий таъсир чоралари кўрилди.

Ишчи гуруҳ томонидан мавжуд вазиятни ўрганиш ишлари ҳудудларда давом эттирилмоқда.

**— Профилактика инспекторларидан умид катта эди. Шунинг учун уларга ўзлари хизмат қилаётган фуқаролар йиғини ҳудудидан уй-жой ҳамда машиналар берилди. Аммо...**

— Мамлакатимиздаги 9 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида профилактика инспекторлари фаолият олиб бормоқда. Айтиб ўтилганидек, уларга хизмат уйлари ва автомобиллар берилган. Тан олиш керак, улар орасида ўз бурчига садоқат кўрсатиб, хизмат қилаётганлари кўп. Масалан, пойтахтимиз маҳаллаларидан бирига хизмат кўрсатувчи ходим катта босимдаги иссиқ сув қувури ёрилганда одамларни ҳимоялаш учун ўзини воқеа марказига уради ва қаттиқ тан жароҳати олади, иккинчи ҳолатда яна бир инспектор маҳаллага келиб қолган шубҳали одам билан олишиб, фидойилик, керак бўлса, қаҳрамонлик кўрсатди. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Шунга қарамай, афсус деймиз, ҳамон хизмат бурчи мақсад-муддаосини тўлиқ англаб етмаган профилактика инспекторлари ҳам бор.

**— Ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик жиноятлари содир бўлишида профилактика, жиноят-қидирув баробарида, қўриқлаш хизматининг ҳам айби катта...**

— Видеоселектор йиғилишида қўриқлаш хизмати фаолияти ҳақли равишда танқид остига олинди. Ўшанда юртимиздаги хонадонларнинг 0,7, тадбиркорлик субъектларининг 12 фоизи қўриқлаш пультига улангандихолос. Бугун ишлар жонланди. Хусусан, "Хавфсиз хонадон" режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга киритиляпти. Натижада бир ҳафта ичида 400 дан зиёд хонадонлар ва бир қатор ташкилотлар қўриқлашга олинди. Тошкент шаҳрида йўлга қўйилган интеграллаштирилган қўриқлаш тизимлари ва инновацион қўриқлаш моделини бутун республикамиз бўйича татбиқ этиш устида ҳам иш олиб боriляпти. Беларусь Республикасининг мазкур йўналишдаги тажрибасини ўрганиш мақсадида яқинда делегациямиз ушбу давлатга юборилади. Яна бир янгилик: аҳоли ҳамда тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида "ташвиш" тугмаси бўйича хизмат кўрсатиш нархи 50 — 60 фоиз арзонлаштирилди.

**— Қачон жиноятнинг илдизига етиб борилади?**

— Гапнинг очиғи, биз ҳозир ҳам жиноятчиликнинг олдини олишдан кўра, оқибатини бартараф этиш билан кўпроқ машғул бўлиб қоляпмиз. Бунга фақат ички ишлар органлари кучи етади, десак, ўзимизга юқори баҳо берган бўламиз. Яъни жиноятнинг олдини олиш, унинг туб илдизига етиб бориш учун барча — маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар, умуман, давлат ва жамоат ташкилотлари, бутун аҳоли бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Қачонки "Бу воқеанинг менга умуман алоқаси йўқ, ким айбдор бўлса, жавобни ҳам ўзи берсин", деган салбий қарашдан онгимизни тозалаб, ҳар бир ҳодисага "фавқулодда ҳолат" сифатида қарашни ўргансак, ана шунда кутилган натижага эришамиз.

**— Ҳал этилиши зарур бўлган яна қандай вазифалар бор?**

— Вазифалар кўп. Йилига 600 мингдан зиёд йигит-қизлар мактаб, лицей ва коллежларни битиради ва уларнинг 10 — 15 фоизи олий ўқув юртларига киради. Қолгани-чи?! Уларга муносиб шароит яратиш, яъни "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурини изчил амалга ошириш ҳамда уйма-уй юриб, ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш, уларнинг орзу-мақсадини билиш орқали Дастурнинг тўлиқ ижросини таъминлашимиз айни муддаодир.

Ҳайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўникмалари, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Шунга мос равишда йўл белгиларини хатловдан ўтказиш ва замонавий қопламалиларига алмаштиришнинг ҳам аллақачон вақти келган.

Умуман, олдимизда турган вазифалар улкан. Бунга эришиш учун соҳа ходимларидан бурчга садоқат ва фидойилик кўрсатиш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

